



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2020 yil « 22 » июнь

№ПҚ-4756

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан ва халқаро ташкилотларга аъзоликдан келиб чиқадиган мажбуриятларини бажариш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Халқаро шартномалар ва халқаро ташкилотларга аъзолик бўйича мажбуриятлардан келиб чиқадиган бадалларни тўлаш механизмини соддалаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар бўйича мажбуриятларини бажаришда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари масъулиятини ошириш мақсадида:

1. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва халқаро ташкилотларга аъзолик бўйича мажбуриятларини бажаришга масъул давлат органлари ва бошқа ташкилотлар рўйхати 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва халқаро ташкилотларга аъзолик бўйича мажбуриятларидан келиб чиқадиган бадалларни тўлаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг 1-иловасида кўрсатилган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳамда халқаро шартномалар доирасидаги, шу жумладан, бадалларни тўлаш бўйича мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари этиб белгилансин (кейинги ўринларда – ваколатли органлар).

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

ваколатли органлар Ўзбекистон Республикасининг келгусида тегишли халқаро ташкилотда иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги ҳамда аъзоликдан олинадиган иқтисодий ва бошқа фойдалар бўйича доимий таҳлил олиб боради;

Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро ташкилот фаолиятида иштирок этиши мақсадга мувофиқ бўлмаган тақдирда, ваколатли органлар Вазирлар Маҳкамасига келгуси хатти-ҳаракатлар бўйича асосли таклифлар билан хулоса киритади;

2021 йилдан бошлаб халқаро шартномалар ва халқаро ташкилотларга аъзолик бўйича мажбуриятлардан келиб чиқадиган бадаллар ва улар бўйича қарздорликлар бевосита ваколатли органлар томонидан мазкур қарор билан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, бюджетдан ташқари жамғармалар ва ўз маблағлари ҳисобидан тўланади;

Ташқи ишлар вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва ваколатли органлар билан биргаликда ҳар йил якуни бўйича халқаро шартномалар доирасида ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилган ишлар ва уларнинг натижадорлиги, ташкилотда қатнашишнинг мақсадга мувофиқлиги ва аъзоликдан олинадиган иқтисодий ва бошқа фойда, амалда тўланган аъзолик бадаллари тўғрисида маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасига киритиб боради.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ҳар бир халқаро шартнома ва халқаро ташкилотда Ўзбекистон Республикаси иштироки доирасида 2020-2021 йилларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаларини тасдиқласин ва ижросини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда ваколатли органлар билан биргаликда икки ой муддатда халқаро шартномалар ва ташкилотларга аъзолик бадаллари тўлови бўйича мажбуриятларни хатловдан ўтказсин ва натижаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига маълумот киритсан;

халқаро шартномалар ва ташкилотларга аъзолик бўйича мажбуриятлардан келиб чиқадиган бадаллар ҳисобини юритиш жараёнига ахборот технологияларини татбиқ этган ҳолда, мазкур мажбуриятлар бажарилишини доимий кузатиб борувчи тизимни жорий қилсан.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги бир ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан.

8. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси
Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Кўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси
ташқи ишлар вазири А.Х. Камилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 22 июндаги ПИК-4756-сон қарорига
1-илова

**Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар ва халқаро
ташкilotларга аъзолик бўйича мажбуриятларни бажаришга
масъул давлат органлари ва бошқа ташкilotлар
РЎЙХАТИ**

T/р	Тўловчилар номи	Халқаро шартнома, халқаро ташкilotнинг номи
I. Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириш		
1.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати	Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи давлатларининг Парламентлараро Ассамблеяси (Ўзбекистон томони вакилларини сақлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун) Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича ташкилоти Парламент ассамблеяси
2.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси	Парламентлараро иттифоқ
3.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳукуқлари бўйича вакили (омбудсман)	Халқаро омбудсман институти Европа омбудсман институти Осиё омбудсманлар уюшмаси
4.	Конституциявий суд	Конституциявий одил судлов бўйича умумжаҳон конференцияси
5.	Давлат хавфсизлик хизмати	Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар аксилтеррор маркази Чегара қўшинлари қўмондонлари кенгашини мувофиқлаштирувчи хизмат
6.	Мудофаа вазирлиги	Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг мудофаа вазирлари кенгаши котибияти
7.	Ички ишлар вазирлиги	Жиноят полицияси халқаро ташкилоти (Интерпол)
8.	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги	Табиий оғатларни камайтириш бўйича Осиё маркази
9.	Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб департаменти	“Эгмонт” молиявий разведка бўлинмалари гуруҳи Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиб бўйича Евроосиё гуруҳи

T/р	Тўловчилар номи	Халқаро шартнома, халқаро ташкилотнинг номи
10.	Марказий банк	Халқаро валюта жамғармаси
11.	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги	Осиё тараққиёт банки
		Ислом тараққиёт банки
		Европа тикланиш ва тараққиёт банки
		Жаҳон савдо ташкилоти
		Савдони ривожлантириш бўйича ислом маркази
		Осиё инфратузилма инвестициялари банки
		Жаҳон банки гуруҳи
12.	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги	Инвестициялар ва экспорт кредитларини суғурталаш ислом корпорацияси
		Халқаро ислом савдо-молия корпорацияси
		Хусусий секторни ривожлантириш бўйича ислом корпорацияси
		Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг саноатни ривожлантириш бўйича ташкилоти
13.	Молия вазирлиги	Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти
		Ислом мамлакатлари учун статистик, иқтисодий ва ижтимоий тадқиқотлар ва тренинглар маркази
		Суғурта назоратчилари халқаро уюшмаси
14.	Энергетика вазирлиги	Қайта тикланувчи энергия бўйича халқаро агентлик
15.	Ташқи ишлар вазирлиги	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
		Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ижроия қўмитаси
		Шанхай ҳамкорлик ташкилоти
		Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича йиғилиши котибияти
		Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гаага конференцияси
		Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши
		Ислом ҳамкорлик ташкилоти
		Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти

Т/р	Тўловчилар номи	Халқаро шартнома, халқаро ташкилотнинг номи
16.	Инновацион ривожланиш вазирлиги	Фан ва технологиялар соҳасидаги ҳамкорлик бўйича доимий қўмита
17.	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги	Халқаро меҳнат ташкилоти Халқаро миграция ташкилоти
18.	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси
19.	Сув хўжалиги вазирлиги	Ислом конференцияси ташкилоти ҳузуридаги сув ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўйича Ислом давлатлараро тармоғи Ирригация ва дренаж бўйича халқаро комиссия Бутунжаҳон сув кенгаши Йирик тўғонлар халқаро комиссияси
20.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Тамакига қарши курашиш бўйича ҳадли конвенцияси котибияти Қизил хоч ва қизил ярим ой халқаро федерацияси
21.	Маданият вазирлиги	Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларининг гуманитар ҳамкорлиги бўйича давлатлараро жамғармаси
22.	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси	Бутунжаҳон ҳайвонлар соғлигини сақлаш ташкилоти
23.	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси	БМТнинг Чўлланишга ва қурғоқчиликка қарши курашиш конвенцияси
24.	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси	Атом энергияси бўйича халқаро агентлик Кимёвий қуролларни тақиқлаш ташкилоти Бактериологик (биологик) ва токсик қурол-яроғларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва тўплашни ман этиш ҳамда уларни тугатиш тўғрисидаги Конвенция
25.	Давлат статистика қўмитаси	Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг давлатлараро статистика қўмитаси

Т/р	Тўловчилар номи	Халқаро шартнома, халқаро ташкилотнинг номи
26.	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси	<p>Озон қатламини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Монреаль протоколи кўп томонлама жамғармасининг траст жамғармаси</p> <p>Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги конвенциянинг траст жамғармаси</p> <p>Сувда сузувчи қушларнинг асосий яшаш манзили бўлган халқаро аҳамиятга эга сув-ботқоқ ерлар тўғрисидаги конвенция</p> <p>Озон қатламини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Вена конвенцияси траст жамғармаси</p> <p>Озон қатламини емирувчи моддалар бўйича Монреаль протоколи траст жамғармаси</p>
27.	“Вақф” хайрия жамоат фонди	Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Бирдамлик ислом жамғармаси
28.	Ўзбекистон мусулмонлари идораси	Халқаро Ислом фиқҳи академияси
29.	Марказий сайлов комиссияси	Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси
30.	Фанлар Академияси Сейсмология институти	Ядро синовларини ялпи тақиқлаш тўғрисидаги шартнома ташкилоти
31.	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллий антидопинг агентлиги	Бутунжаҳон антидопинг агентлиги
32.	Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиаацияси агентлиги	Халқаро фуқаро авиаацияси ташкилоти
		Давлатлараро авиаация қўмитаси
33.	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази	Халқаро фуқаро авиаацияси ташкилотининг очик қалитлар директорияси
34.	Гидрометеорология хизмати маркази	Жаҳон метеорология ташкилоти
		Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгаришлари тўғрисидаги Ҳадли конвенциясига доир Киото Баённомаси
		Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли конвенцияси
35.	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ислом цивилизацияси маркази	Ислом тарихи, санъати ва маданиятини тадқиқот қилиш маркази

T/р	Тўловчилар номи	Халқаро шартнома, халқаро ташкилотнинг номи
36.	ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссия	Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти
		ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси жамғармаси
		ЮНЕСКОнинг Номоддий маданий меросни асраш жамғармаси
37.	Ўзбекистон халқаро ислом академияси	Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти
		Ислом дунёси университетлари федерацияси
38.	Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети	Ислом технология университети
39.	Ўзбекистон "Veteran" жангчи-фаҳрий ва ногиронлари бирлашмаси (Мудофаа вазирлиги бадал тўлаш бўйича)	Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ҳукумат раҳбарлари кенгаши хузуридаги жангчи-байналмилалчилар ишлари бўйича қўмитаси
II. Бюджетдан ташқари жамғармалар ва бадаллар тўловчиларнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш		
40.	Конституциявий суд	Осиё Конституциявий судлари ва эквивалент институтлари ассоциацияси
		Евроосиё конституциявий назорат органлари ассоциацияси
41.	Мудофаа вазирлиги	Халқаро ҳарбий спорт кенгаши
42.	Ички ишлар вазирлиги	Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги худудида Уюшган жиноятчилик ва бошқа хавфли турдаги жиноятчиликка қарши курашиши мувофиқлаштириш бюроси
		Давлатлараро ахборот банки
43.	Бош прокуратура	Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг бош прокурорлари мувофиқлаштирувчи кенгаши котибияти
		Халқаро прокурорлар ассоциацияси
44.	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Халқаро электр алоқаси иттифоқи
		Бутунжаҳон почта иттифоқи
		Алоқа соҳасида ҳудудий ҳамдўстлик
		Европа телекоммуникация стандартлари институти
45.	Энергетика вазирлиги	Энергетика хартияси котибияти
46.	Инновацион ривожланиш вазирлиги	Осиё-Тинч океани технологиялар трансфери маркази

T/р	Тўловчилар номи	Халқаро шартнома, халқаро ташкилотнинг номи
47.	Марказий банк	Молиявий оммабоплик альянси
48.	Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси	Бутунжаҳон туризм ташкилоти
49.	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси	<p>Йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турларининг халқаро савдоси тўғрисидаги Конвенциянинг траст жамғармаси</p> <p>Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрувчи турларини сақлаб қолишга доир конвенциянинг траст жамғармаси</p> <p>Хавфли чиқиндиларни чегаралараро ташиш ва йўқ қилиб юбориш устидан назорат қилиш тўғрисидаги Базель Конвенциясининг траст жамғармаси</p> <p>Африка, Европа ва Осиёдаги кўчиб юрувчи сув-ботқоқ қушларини муҳофаза қилиш бўйича битим</p>
50.	Давлат божхона қўмитаси	Бутунжаҳон божхона ташкилоти
51.	“Ўзстандарт” агентлиги	<p>Халқаро тарози ва ўлчовлар бюроси</p> <p>Халқаро стандартлаштириш ташкилоти</p> <p>Стандартлаш, метрология ва сертификатлаш бўйича давлатлараро кенгаш</p> <p>Қонунчилик метрологияси халқаро ташкилоти</p> <p>Ислом мамлакатларининг стандартлар ва метрология институти</p>
52.	Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги	Қимматли қоғозлар комиссиялари халқаро ташкилоти
53.	Интеллектуал мулк агентлиги	<p>Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти</p> <p>Ўсимликларнинг янги навларини муҳофаза қилиш бўйича халқаро иттифоқ</p>
54.	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги	Халқаро узумчилик ва виночилик ташкилоти
55.	“Ўзархив” агентлиги	Халқаро архивлар кенгashi

T/p	Тўловчилар номи	Халқаро шартнома, халқаро ташкилотининг номи
56.	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси	Европа ва Ўрта ер денгизи ўсимликлар карантини ва ҳимояси ташкилоти Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича халқаро конвенция
57.	Фанлар академияси, Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги	“Ядро тадқиқотлари бирлашган институти” халқаро ҳукуматлараро илемий-тадқиқот ташкилоти
58.	“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ	Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг Электр энергетика кенгаши
59.	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ	Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг темир йўл транспорти бўйича кенгаши Темир йўл ҳамкорлик ташкилоти
60.	“Тошкент метрополитени” УК	Халқаро жамоат транспорти иттифоқи “Метро” халқаро ассоциацияси
61.	A. Навоий номидаги Миллий кутубхона	eFL.net халқаро консорциуми Даврий нашрларни рўйхатдан ўтказиш халқаро маркази Халқаро стандарт китоб рақами Кутубхона уюшмалари ва муассасаларининг халқаро федерацияси Евроосиё кутубхона ассамблеяси
62.	“Ўзэкспомарказ” МҚҚ АЖ	Халқаро кўргазмалар бюроси
63.	Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти марказий кенгаши	Халқаро триатлон уюшмаси Осиё триатлон конфедерацияси Халқаро биатлон иттифоқи Халқаро аэронавтика федерацияси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 22 июндаги ПИ-4756-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари
ва халқаро ташкилотларга аъзолик бўйича мажбуриятларидан
келиб чиқадиган бадалларни тўлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва халқаро ташкилотларга аъзолик бўйича мажбуриятларидан келиб чиқадиган бадалларни (кейинги ўринларда – бадаллар) тўлаш тартибини белгилайди.

2. Давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро даражаларда халқаро шартномаларга қўшилиш бўйича қарорлар қабул қилиш "Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинади.

3. Бадаллар мазкур қарорнинг 1-иловаси билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар ва халқаро ташкилотларга аъзолик бўйича мажбуриятларидан келиб чиқадиган бадалларни тўловчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар рўйхатида (кейинги ўринларда – Рўйхат) кўрсатилган халқаро ташкилотларга ушбу низом талабларига мувофиқ тўланади.

4. Бадаллар ва улар бўйича қарздорликлар бевосита Рўйхатда кўрсатилган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тўланади.

5. Бадаллар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, Рўйхатда кўрсатилган давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг (кейинги ўринларда – тўловчилар) бюджетдан ташқари жамғармалари ва ўз маблағлари ҳисобидан мазкур Низомга иловага мувофиқ схема бўйича тўланади.

**2-боб. Бадалларни тўлаш учун зарур бўлган
бюджет маблағларини режалаштириш**

6. Рўйхатнинг 1-бўлимида кўрсатилган тўловчилар йиллик асосда тўлов хужжатларини (инвойс) ёки халқаро ташкилотнинг кейинги йил учун режалаштирилган бадал суммаси тўғрисидаги расмий хабарномасини олиш юзасидан тегишли чоралар кўради ҳамда

бунинг асосида кейинги йил учун режалаштирилган бадаллар суммаси тўғрисидаги маълумотни 1 июнгача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади.

Тўлов ҳужжатлари (инвойс) ёки халқаро ташкилотнинг расмий хабарномаси мавжуд бўлмаган тақдирда, олдинги йилларда ҳақиқатда тўланган бадаллар суммасидан келиб чиқсан ҳолда, кейинги йил учун бадалларнинг прогноз миқдорлари тўғрисида маълумот тақдим этилади.

Келгуси йил бадалларини тўлаш мақсадида тўлов суммасини миллий валютада ҳисоблаш учун тўловчилар кейинги йил учун хорижий валютанинг ўртacha йиллик прогноз курсини, шунингдек, тўловларни амалга ошириш учун зарур бўлган харажатларни (маблағларни ўtkазиш учун воситачилик ҳақи ва бошқалар) ҳисобга олган ҳолда, хорижий валютадаги маблағларни миллий валютага қайта ҳисоблайди.

Бунда кейинги йил учун ўртacha йиллик прогноз курси тўловчилар томонидан хорижий валютанинг миллий валютага нисбатан курсининг ўзгариш тенденциясини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб аниқланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўловчилар томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида бадаллар миқдорининг келгуси йилда ошиш эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда, бадалларни тўлаш учун зарур бўлган маблағларни ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг прогноз параметрларида назарда тутади.

8. Агар ўтган йилда режалаштирилган бадал миқдори билан жорий йилда ҳақиқатда тўланиши лозим бўлган миқдор ўртасида фарқ (дефицит) юзага келса, етишмаган қисм Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида халқаро ташкилотларга бадалларни тўлаш учун назарда тутилган иқтисод қилинган бюджет маблағлари, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳисобидан қопланади.

Жорий йилда тўланиши лозим бўлган бадал миқдорининг етишмаган қисмининг кейинги йилга ўтказилишига, агар бу Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилот фаолияти доирасидаги хукуқларини чекламаса, жиддий сиёсий-иктисодий оқибатларни келтириб чиқармаса, мамлакат нуфузига путур етказмаса ҳамда қарздорлик, шу жумладан бадалларни тўламаганлик ёки тўлиқ тўламаганлик учун жарима санкциялари ҳисобланиши ҳисобидан шаклланишини келтириб чиқармаса йўл қўйилади.

3-боб. Бадалларни тўлаш тартиби

9. Бадаллар тўловчилар томонидан тўлов хужжатларига (инвойс) ёки жорий йил учун бадал миқдорини тасдиқловчи халқаро ташкилотнинг (ёки тегишли халқаро шартномани маъмурлаштириш учун масъул бўлган ташкилотнинг (органинг)) хабарномалариға мувофиқ тўланади.

10. Рўйхатнинг 1-бўлимида кўрсатилган тўловчилар 10 марта гача бўлган муддатда бадалларни инобатга олган ҳолда харажатлар сметасини тасдиқлаб, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади.

11. Бадаллар ва улар бўйича қарздорликни тўлаш учун назарда тутилган пул маблағларининг конвертацияси тўловчининг ўрнатилган тартибда тақдим этилган буюртманомаси асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги томонидан 5 иш куни мобайнида амалга оширилади.

12. Ғазна ижроси билан қамраб олинмаган тўловчилар бадаллар ва улар бўйича қарздорликни тўлаш учун мўлжалланган пул маблағларини қонунчиликда белгиланган тартибда ўтказади.

13. Агар бадалларни тўлаш бўйича мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилмагани Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилот фаолияти доирасидаги ҳуқуқлари чекланишига, жиддий сиёсий-иқтисодий оқибатларга олиб келган, мамлакат нуфузига путур етказган бўлса, шунингдек, қарздорлик, шу жумладан бадалларни тўламаганлик ёки тўлиқ тўламаганлик учун жарима санкциялари ҳисобланиши ҳисобидан шаклланишига олиб келган тақдирда, шахсий жавобгарлик тегишлилиги бўйича:

Рўйхатнинг 1-бўлимида кўрсатилган тўловчиларга бюджет маблағлари ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда ажратилишини таъминлаш бўйича – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги;

Рўйхатда кўрсатилган тўловчиларга, ғазна ижроси билан қамраб олинмаган тўловчилардан ташқари, ажратилган маблағларни конвертация қилиб, ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш бўйича – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги;

ғазна ижроси билан қамраб олинмаган тўловчилар топшириқномаси бўйича тўловлар ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда тўланишини таъминлаш бўйича – тижорат банклари;

бадалларни тўлаш ва улар бўйича қарздорлик юзага келмаслиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини кафолатли таъминлаш бўйича – тўловчилар раҳбарлари зиммасига юкланди.

14. Бадалларни ўз маблағлари ҳисобидан тўлайдиган тўловчилар ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлигига халқаро ташкилот номи, тўлов микдори ва санасини қўрсатган ҳолда маълумот тақдим этади.

4-боб. Ҳисобдорлик ва бадалларни тўлашнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хulosаларни кўриб чиқиш тартиби

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва Ташқи ишлар вазирлигига халқаро ташкилотларга бадаллар тўлашнинг бажарилиши тўғрисида тўлиқ маълумот тақдим этади.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жорий йилнинг 1 декабрь ҳолати бўйича бадалларни тўламаган тўловчиларни аниқлаш юзасидан маълумотни шакллантиради ҳамда 10 декабргача бўлган муддатда жорий йил учун бадалларни тўламаган тўловчиларга бадал тўловини зудлик билан тўлаш зарурлиги тўғрисида хабарнома юборади.

17. Тўловчилар мазкур Низомнинг 16-бандида қўрсатилган хабарномани олгандан кейин 10 кун муддатда бадалларни тўлаши ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Ташқи ишлар вазирлигига бадал тўлангани ҳақида ахборот бериши шарт.

Агар бирон-бир сабабга кўра тегишли халқаро шартномани ёки халқаро ташкилот фаолиятини молиялаштиришда Ўзбекистон Республикасининг келгусида иштирок этиши мақсадга мувофиқ бўлмаган тақдирда, тўловчи мазкур Низомнинг 16-бандида қўрсатилган хабарномани олгандан кейин 10 кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига келгуси хатти-ҳаракатлар бўйича асосли таклифлар билан хулоса киритади ҳамда бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигини хабардор қиласди.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда мазкур Низомнинг 17-бандига мувофиқ киритилган таклиф бўйича қарор қабул қиласди ёки масалани кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва (ёки) Президентига ахборот беради.

5-боб. Ўзбекистон Республикасининг бадалларни тўлаш бўйича халқаро ташкилотлар олдидаги қарздорлигининг сўндирилиши

19. Ўзбекистон Республикасининг бадалларни тўлаш бўйича қарздорлиги (кейинги ўринларда – қарздорлик) бюджет маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарори асосида сўндирилади, мазкур Низомнинг 20 ва 21-бандларида назарга тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

20. Қарздорликни бюджетдан ташқари жамғармалар ҳамда шахсий маблағлар ҳисобидан сўндириш тўловчи томонидан мустақил амалга оширилади.

21. Агар ўтган йилги бадал бўйича қарздорлик ёки дастлабки ҳисобланган бадал миқдори билан ҳақиқатда тўланиши лозим бўлган бадал миқдори ўртасидаги фарқ натижасида қарздорлик юзага келганда, ушбу қарздорликни сўндириш учун бюджет маблағлари тўловчига навбатдаги молия йилида бадаллар тўлови учун ажратиладиган бюджет маблағларига қўшимча ажратиласди.

6-боб. Якунловчи қоидалар

22. Иштирок этиш учун бадаллар тўлаш назарда тутилган халқаро ташкилотга Ўзбекистон Республикаси қўшилганда ёки халқаро шартнома тузилганда, тегишли масъул орган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Рўйхатга қўшимчалар киритиш тўғрисида таклиф киритади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқига эга.

23. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва халқаро ташкилотларга аъзолик бўйича мажбуриятларидан келиб чиқадиган бадалларни тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга илова

Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан тўловчи ташкилот томонидан бадалларни тўлаш СХЕМАСИ

Босқичлар **Субъектлар**

Тадбирлар

**Бажариш
муддати**

1-bosqich	Рўйхатнинг 1-бўлимида кўрсатилган тўловчи	<p>1. Тўлов ҳужжатларини (инвойс) ёки халқаро ташкилотнинг кейинги йил учун режалаштирилган бадал миқдори тўғрисидаги расмий хабарномасини олиш юзасидан тегишли чоралар кўради.</p> <p>2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига кейинги йил учун режалаштирилган бадаллар миқдори тўғрисидаги маълумотни тақдим этади.</p> <p>Тўлов ҳужжатлари (инвойс) ёки халқаро ташкилотнинг расмий хабарномаси мавжуд бўлмаган тақдирда, олдинги йилларда ҳақиқатда тўланган бадаллар суммасидан келиб чиқсан ҳолда, кейинги йил учун бадалларнинг прогноз миқдорлари тўғрисида маълумот тақдим этилади.</p>	1 июнгача бўлган муддатда
-----------	---	--	---------------------------

	Рўйхатнинг 1-бўлимида кўрсатилган тўловчи	Тегишли халқаро шартномани ёки халқаро ташкилот фаолиятини молиялаштиришда, Ўзбекистон Республикасининг келгусида иштирок этиши мақсадга мувофиқ бўлмаган тақдирда, Вазирлар Маҳкамасига келгуси хатти-ҳаракатлар бўйича асосли таклифлар билан хулоса киритади ҳамда бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигини хабардор қиласди.	Зарур ҳолларда
--	---	--	----------------

2-bosqich	Молия вазирлиги	<p>1. Бадалларни тўлашнинг умумлаштирилган шакллантиради (АҚШ доллари эквивалентида).</p> <p>2. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг прогноз параметрларида</p>	Давлат бюджети параметрларини шакллантириш доирасида
-----------	-----------------	---	--

		бадаллар миқдори келгуси йилда ошиш эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда, бадалларни тўлаш учун зарур бўлган маблағларни назарда тутади.	
3-bosқич	Рўйхатнинг 1-бўлимида кўрсатилган тўловчи	Бадалларни тўлаш бўйича харажатлар сметасини белгиланган тартибда рўйхатдан ўtkазиш учун Молия вазирлигига тақдим этади.	Ҳар йили 10 марта
4-bosқич	Молия вазирлиги	Тўловчи томонидан тақдим этилган харажатлар сметасини белгиланган тартибда рўйхатга олади.	Қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда
5-bosқич	Тўловчи	Бадаллар ва улар бўйича қарздорликни тўлаш учун назарда тутилган пул маблағларининг конвертацияси бўйича ўрнатилган тартибда шакллантирилган буюртманомани Молия вазирлиги Фазначилигига тақдим этади.	Халқаро ташкилотнинг молиявий қоидаларида белгиланган муддатлар ҳисобга олинган ҳолда, бюджет маблағлари ажратилгандан сўнг
6-bosқич	Молия вазирлиги Фазначилиги	Тўловчи томонидан ўрнатилган тартибда тақдим этилган буюртманома асосида маблағлар конвертациясини амалга оширади.	Буюртманома тақдим этилгандан сўнг 5 иш куни мобайнида
7-bosқич	Тўловчи	Хорижий валютадаги маблағларни халқаро ташкилот ҳисобига ўтказиш учун Молия вазирлиги Фазначилигига ўрнатилган тартибда тўлов топшириқномасини тақдим этади.	Халқаро ташкилотнинг молиявий қоидаларида белгиланган муддатлар ҳисобга олинган ҳолда, конвертация қилингандан сўнг
8-bosқич	Молия вазирлиги Фазначилиги	Хорижий валютадаги маблағларни халқаро ташкилот ҳисобига ўтказади.	3 иш куни ичида

*) Ғазна ижроси билан қамраб олинмаган тўловчилар бадаллар ва улар бўйича қарздорликни тўлаш учун мўлжалланган пул маблағларини қонунчиликда белгиланган тартибда ўтказади.

